

**ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР САБАБЛАРИ
ВА УНГА ИМКОН БЕРГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАРГА ОИД АЙРИМ
МУЛОҲАЗАЛАР**

Бобохон Пўлатович БОБОЖОНОВ

мустақил изланувчи

Тошкент давлат юридик университети

Тошкент, Ўзбекистон

e-mail:b.bobokhonov@qqb.uz

Аннотация

Мақолада муаллиф томонидан давлат харидлари соҳасидаги жиноятлар сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларга оид айрим мулоҳазалар баён қилинган. Бундан ташқари давлат харидлари соҳасидаги жиноятчилик сабаблари таснифланганда уларнинг иқтисодий ва сиёсий соҳадаги сабаблар сингари икки асосий групга ажратилиши мақсадга мувофиқлиги қайд этилган.

Таянч сўзлар: давлат харажатлари, давлат харидлари, давлатнинг иқтисодий асослари, молиявий-иқтисодий барқарорлик, давлат харидлари соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар, давлат харидлари соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни криминализация қилиш.

**НЕКОТОРЫЕ РАССУЖДЕНИЯ О ПРИЧИНАХ И УСЛОВИЯХ
ВОЗНИКНОВЕНИЯ ПРЕСТУПЛЕНИЙ В СФЕРЕ
ГОСУДАРСТВЕННЫХ ЗАКУПОК**

Бобохон Пўлатович БОБОЖОНОВ

независимый исследователь

Ташкентский государственный юридический университет

Ташкент, Узбекистан

e-mail:b.bobokhonov@qqb.uz

Аннотация

В статье автор описывает некоторые рассуждения относительно причин совершения преступлений в сфере государственных закупок и условий, которые способствовали этому. Кроме того, при классификации причин совершения преступлений в сфере государственных закупок отмечается целесообразность разделения их на две основные группы: причины в экономической и причины в политической сферах.

Ключевые слова: государственные расходы, государственные закупки, экономические основы государства, финансово-экономическая стабильность, правонарушения в сфере госзакупок, криминализация правонарушений в сфере госзакупок.

Кишилик жамияти ривожланиб бориши билан ижтимоий хавфли қилмишларнинг, қонунлар қабул қилинганидан кейин эса, жиноятлар содир этилишининг олдини олиш муаммолари вужудга келган. Афлотун (Платон)

ва Арасту (Аристотель)ларнинг фикрича, жамиятда шахсни жиноят йўлидан қайтарувчи қонунлар ҳукмрон бўлиши зарур. Шунингдек, XVIII аср маърифатпарвар олимлари, хусусан Монтескьенинг фикрича ҳар қандай ҳокимият жиноят учун жазо белгилашни эмас, балки жиноятнинг олдини олиш тўғрисида ғамхўрлик қилмоғи лозим [4]. Ч.Беккариа ҳам ўзининг “Жиноят ва жазо тўғрисида”ги асарида жиноят учун жазо тайинлашдан кўра, уни олдини олиш маъқулроқ эканлигини таъкидлаган.

Неча асрлардан буён жиноятчиликнинг олдини олиш борасида фикр юритилаётган бўлса-да, ҳозирги кунда ҳам ушбу мавзу ўз долзарблигини йўқотмаган. Шу боисдан ҳам бугунги кунда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш устувор вазифалардан бири саналади.

Криминологияда жиноятчиликнинг олдини олиш деганда, жиноятчиликни, алоҳида турдаги жиноятларни ҳамда аниқ жиноятларни аниқлаш, уларни камайтириш, шароит ва сабабларни бартараф қилишга қаратилган ҳамда шахсларнинг яшаш муҳити ёки хулки жиноят йўлига ўтиб қолиши ёки жиноий фаолиятга қайтаришига олиб келувчи шароитларни бартараф қилишга қаратилган қўп босқичли давлат ва жамоат чоралари тизими тушунилади, шунингдек бу чоралар тизимини криминология фани криминологик тадқиқотлар олиб бориш орқали ишлаб чиқади ва тавсия қиласди.

Давлат харидлари соҳасидаги жиноятларнинг криминологик хусусиятларини аниқлаш учун мазкур қилмишларнинг умумий миқдори ва динамикаси муҳим аҳамиятга эга. Ушбу турдаги жиноятларнинг вужудга келиш сабаблари турли мамлақатларда турлича бўлиб, тарихий босқич ва ижтимоий-иктисодий тараққиёт даражаси билан белгиланади. Ушбу тоифадаги жиноятларнинг олдини олиш ва унга барҳам беришнинг универсал жиноий-ҳуқуқий воситаларини ишлаб чиқиш деярли мумкин эмас.

Шу сабабли мазкур жиноятларни фош этиш ва уларга қарши кураш тизими доимий такомиллаштириб боришни талаб қиласи.

Давлат харидлари соҳасидаги жиноятлар сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни аниқлашда суд амалиёти материалларининг таҳлилини амалга ошириш, шунингдек қиёсий-хукуқий, статистик, ижтимоий сўров ва тизимли таҳлил каби илмий усуслардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Шунга кўра тадқиқот давомида ўрганилган суд амалиёти материаллари давлат харидлари соҳасидаги жиноятларнинг асосий қисми мансабдорлик жиноятлари ҳисобига тўғри келади.

Тадқиқ этилаётган жиноятларнинг криминологик хусусиятларидан бири унинг юқори даражада латентлиги, яъни унинг ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан расмий рўйхатга олинмаслиги билан боғлик. Мутахассисларнинг таъкидлашича, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга юқори даражадаги латентлик хос бўлиб, бу уларни ва ғараз ва зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлардан фарқловчи хусусият ҳисобланади [1].

Шунга кўра содир этилган жиноятларнинг латентлиги сабабларини куйидагича таснифлаш мумкин:

- объектив хусусиятга эга сабаблар;
- субъектив хусусиятга кўра сабаблар [3].

Давлат харидлари давлат фаолиятида муҳим аҳамият касб этиб, у мазмун-моҳияти жиҳатидан давлат ёки фуқароларнинг нарса ва хизматларни муайян ҳақ эвазига сотиб олишлари саналиб, бу тушунча моҳияти хусусида турли қарашлар мавжуд. Жумладан, В.В.Мельников фикрига кўра, давлат харидлари ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки муайян хизматларни давлат буюртмаси асосида сотиб олиш ҳисобланади. В.И.Кузнецев фикрича эса, давлат харидлари давлат ва жамият эҳтиёжларини қондиришга қаратилган маъмурий, молиявий, фуқаровий муносабатларнинг натижасидир.

Миллий қонучилигимизда бу тушунчага аниқ ва ягона таъриф берилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги

Қонунининг 3-моддасига биноан, давлат хариди – товар (иш ёки хизмат)ларни давлат буюртмачилари томонидан пулли асосда олиш ҳисоблананади.

Давлат ҳаридлари соҳасида жиноятлар содир этилишига бир қанча омиллар сабаб бўлиб, хусусан давлат ҳаридларининг янги кўриниши бўлган электрон давлат ҳаридлари, яъни электрон дўкон ва бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион каби маҳсус ахборот порталининг дастурий-техник комплекси орқали ахборот-коммуникация технологиялари воситасида давлат ҳаридларини амалга ошириш усули ҳам бу соҳада ёлғон кўрсаткичларни келтириш орқали коррупцион ҳолатларни амалга оширишни келтириб чиқармоқда.

Шунингдек, давлат ҳаридларини амалга оширишда мансабдор манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги, натижада танлов ўтказиш қоидаларининг бузилиши, танлов ҳужжатларини сохталаштириш ҳам “Давлат ҳаридлари тўғрисида”ги ва “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни нормалари қоидаларининг бузилишига сабаб бўлмоқда.

Давлат ҳаридлари доирасида тузилган барча шартномалар тўғрисида маълумотларни жамлаш ягона реестри мавжуд эмаслиги, шунингдек, тўғридан-тўғри шартномалар тузилганлиги тўғрисидаги ахборот давлат ҳаридларининг электрон тизимида жойлаштирилмаслиги ҳолатлари ҳам мазкур соҳада ўзбошимчалик, давлат мулкини ўзлаштириш ҳолатларини юзага келтириб чиқармоқда.

Статистик маълумотларга кўра, Адлия вазирлиги томонидан курилиш, соғлиқни сақлаш, олий таълим ва давлат ҳаридлари соҳасидаги қонун ҳужжатлари экспертизадан ўтказилганда, 226 та қонун ҳужжатининг 65 тасида (29 фоизи) 292 та коррупциявий омиллар мавжудлиги аниқланган бўлса, давлат ҳаридлари соҳасидаги 16 та ҳужжатнинг 12 тасида 46 та коррупциявий омил аниқланган [5].

Давлат ҳаридлари соҳасида коррупциявий ҳолатлар юзага келишида юқоридаги каби омиллардан ташқари, давлат ҳаридлари соҳасидаги

шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссияга келиб тушган шикоятларни кўриб чиқиш муддатларининг қисқа эмаслиги ҳам коррупция ҳолатларини вужудга келтирмоқда.

Сўнгги йилларда бу соҳада коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш, давлат харидлари соҳасида шаффоф тизимни яратиш борасида бир қанча ислоҳотлар амалга оширилиб бормоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ–6013-сон “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, Коррупцияга қарши курашиш агентлигига давлат харидлари соҳасида масъулиятни ошириш ва коррупцияни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Конуни талабларини, шу жумладан харид қилиш тартиб-таомиллари турларини белгилаш ва ижрочини танлаш шартларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш вазифаси юклатилган [2].

Шунингдек, мазкур фармонда давлат харидлари доирасида тузилган шартномаларни мажбурий равишда эълон қилиш, давлат харидларини танлов ва тендер савдолари орқали замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш тартибини жорий этиш зарурлиги белгиланган.

Шу билан бирга, Янги таҳрирдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги Конунда давлат харидлари соҳасида коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш, хусусан, давлат харидларининг очиқ ва шаффоф ҳамда самарали тизимини яратиш орқали коррупциянинг олдини олиш кўзда тутилган бўлиб, бир қанча тушунчаларга аниқлик киритилган.

Жумладан, давлат харидлари соҳасида давлат харидларининг ижрочиси, ихтисослашган ташкилот, манфаатлар тўқнашуви, харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчисининг аффилланган шахси каби тушунчалар мазмуни кенгайтирилди.

Давлат харидлари соҳасида юзага келадиган коррупцион ҳолатларни бартараф қилиш мақсадида жавобгарлик масаласини кучайтириш ижобий натижа бериб, буни бир қанча тадқиқотчилар ҳам маъқуллашган. Хусусан, тадқиқотчи О.Н.Ходасаевич фикрича, давлат харидлари соҳасида коррупция ҳолатлари кучайган тақдирда шахсларга, хусусан ҳокимият вакилларига нисбатан жавобгарлик чораларини кучайтириш лозим [8].

Шунингдек, давлат харидлари тартиб-таомилларини ҳам соддалаштириш лозим бўлиб, тадқиқотчи Р.И.Мищенконинг фикрича, давлат харидларини амалга оширишни соддалаштириш, давлат харидлари билан боғлиқ қонунчиликда мавжуд тушунча ва атамаларга аниқлик киритиш, шунингдек нормалар ўртасида зиддиятларнинг олдини олиш лозим [6].

Маълумки, ҳар қандай жиноятнинг олдини олиш мазкур жиноят сабабларини ва унга имкон берган шарт-шароитларни чуқур ўрганишга асосланади. Айни шу сабабли жиноят сабаблари ва унга имконият яратган шарт-шароитлар одатда олимлар диққат марказидан ўрин олади. Бу масалага бағишлиланган илмий изланишлар, жиноятчилик, жиноятларнинг сабабларини тушунтирувчи бир нечта назариялар ҳам яратилган. Айни пайтда, шу жумладан тадқиқ этилаётган жиноятларга ҳам тааллуқли бўлган кўпгина масалалар ҳали-ҳануз ўз ечимини топгани йўқ. А.В.Борбатнинг таъкидлашича, умуман иқтисодий жиноятларни, юзага келтирувчи омилларни шартли равишда иккига: 1) иқтисодий омиллар; 2) криминологик омилларга ажратиш мумкин [7].

Давлат харидлари соҳасидаги жиноятчилик сабаблари таснифланганда уларнинг қўйидаги икки асосий гурӯхга ажратилиши мақсадга мувофиқ:

- иқтисодий соҳадаги сабаблар;
- сиёсий соҳадаги сабаблар.

Давлат харидлари билан боғлиқ жиноятчиликнинг иқтисодий соҳадаги сабабларидан бири бу бозор муносабатлари шароитида у ёки бу мансабдор шахснинг ўз “устун мавқеи”дан фойдаланишга интилиши, ўзига қарашли, бошқача аффилланган шахсларнинг бизнесига “ёрдам бериш”, давлат

харидларини амалга оширишдан келиб тушадиган маблағларни “бўлишиш” имконини бериши билан боғлиқ. Худди шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг моддий таъминланганлик даражаси барқарорлиги ҳамда улар ўртасидаги фарқ сўз юритилаётган жиноятларни содир этиш иштиёқида юрган шахсларда жиноят содир этишга кучли майлни уйғотади.

Давлат харидлари соҳасидаги жиноятчиликнинг иқтисодий соҳадаги сабабларини ўрганишлар натижасида қуидагиларга ажратдик:

ҳокимият ва бошқарувни ташкил қилишдаги қарама-қаршиликлар;

мулк ҳуқуқининг устуворлиги, уни эркин амалга ошириш билан боғлиқ бўлган қарама-қаршиликлар;

тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини тушуниш, уни шарҳлаш ва амалда қўллаш билан боғлиқ камчиликлар.

Бунга мисол сифатида мансабдор шахс, хизматчи томонидан тадбиркорлик субъектига ўзининг ваколатини, устун мавқега эга эканлигидан фойдаланиш, тадбиркорлик субъектларига гўёки шароит яратиб бериш баҳонасида унинг даромадидан муайян улуш олиш ва бошқа шу каби омиллар билан боғлиқ эканлигини келтириш мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигига давлат харидлари соҳасидаги жиноятларнинг аниқ категорияси мавжуд эмас. У содир этилган қилмишнинг хусусиятидан келиб чиқиб аниқланади. Амалдаги жиноят қонунчилигига “давлат харидлари” билан боғлиқ конкрет ижтимоий хавфли қилмиш назарда тутилмаган бўлсада, лекин давлат харидлари соҳасидаги ижтимоий хавфли қилмишлар бугунги кунда жамиятда жиноятчилик ҳодисаси сифатида мавжуд.

Давлат харидлари соҳасидаги жиноятлар ижтимоий хавфлилик даражасига кўра коррупцион жиноятлардан асло кам эмас. Коррупцион жиноятларда жиноят предмети нафақат нақд тарзда бериладиган моддий қимматликлар, балки бошқача тарздаги моддий мулкий манфаатдорлик ҳам бўлиши мумкин. Давлат бюджетини “ўзлаштириш” шаклидаги давлат

харидлари соҳасидаги жиноятлар мансабдор шахслар томонидан давлат буюртмаси ёки харидлар орқали маблағ ўзлаштириш усулида содир этилмоқда. Бунда харид ёки давлат буюртмалари доирасидаги товар ва хизматлар манфаатдор шахс фойдасига бозор таклифи ёки импорт аналогидан 20-50%гача қиммат бўлишида ифодаланади. Ўртадаги фарқдан ўзлаштирилган ноқонуний маблағлар импорт битимлари орқали хорижга чиқарилиши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Аслаханов А.А. Проблемы борьбы с преступностью в сфере экономики (криминологической и уголовно-правовой аспекты): Автореф. дисс. на соиск. уч. степ, докт. юр. наук. – Москва: МЮ МВД РФ, 1997. <http://www.parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=1349&lang=rus#22>
2. Бурханов У. Давлат харидлари. Ўқув-қўлланма. – Тошкент: “infoCOM.UZ”, 2010. – 152 б.
3. Исмаилов И. Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик /И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова, И.Ю.Фазилов; Масъул муҳаррир Ш.Т.Икрамов. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 272 б.
4. Криминология. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2007. – 274 б.
5. Коррупцион жиноятлар асосан ким томонидан содир этилиши маълум қилинди// [URL:https://www.gazeta.uz/uz/2021/03/30/corruption/](https://www.gazeta.uz/uz/2021/03/30/corruption/).
6. Мищенко Р.И. Предотвращение и противодействие коррупции в сфере государственных закупок: анализ опыта Украины и зарубежных стран. //Актуальные проблемы современности: наука и общество. – Москва, 2014. – №1 (2). – С.34–40.
7. Уголовно-правовые и криминологические аспекты охраны предпринимательской деятельности: монография / А.В.Борбат [и др.]. – Москва, 2004.

8. Ходасевич О. Н., Шаламова Е. Ю. Коррупция в сфере государственных закупок //Концепт, 2018. – №3 (март). – С.1-5.